ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОНОБОД ШАҲАР КЕНГАШИ
Қ А Р О Р И

2020 йил "21" декабрь *№ 68/17-6* *Хонобод шаҳри*

Хонобод шаҳрининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларини бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисоблорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилган.

Мазкур қонуннинг асосан 2021 йил учун вилоят маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Хонобод шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Хонобод шаҳар (кейинги ўринларда Шаҳар деб аталади) маҳаллий бюджети даромадлари 16 млрд. 833,6 млн.сўм, харажатлари 41 млрд. 484,2 млн.сўм миқдорида прогноз қилинганлиги, шаҳар маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 24 млрд. 650,5 млн.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2021 йилда:

а) **Солиқларнинг қуйидаги турлари шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:**

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан солиқ;

– давлат мулки бўйича ижара тўловлари.

б) шаҳарнинг шаҳар бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тақсимланган ҳолда ўтказилади:

– мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра шаҳар аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ ўтказилиб берилади.

Шу билан бирга, шаҳарнинг шаҳар бюджетига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан ўзлаштирган шунингдек яккатартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи) ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдикланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб колинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 25 фоиз миқдордаги ўтказилиши маълумот учун кабул килинсин.

3. Ҳукуматимиз томонидан кабул килинган карорлар ижроси борасида шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-6099-сонли фармони ижроси борасида шаҳар "Жисмоний тарбия ва спорт" бўлимига юридик макам берилсин ҳамда бўлимнинг сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлари маҳаллий бюджетдан молиялаштирилсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПК-4602-сонли карори ижроси борасида Хонобод шаҳрида ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш марказини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар шаҳар бюджетидан молиялаштирилади.

в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КК-161-IV-сонли карорига асосан шаҳар ва халқ депутатлари Кенгаши котибияти ташкил этилиши ҳамда уларни сақлаш харажатлари белгиланган тартибда шаҳар маҳаллий бюджетидан молиялаштирилсин.

4. 2021 йил учун шахар бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Шахар бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шахар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан шахар маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда шахар газначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Маҳаллий ҳокимликларни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича маъсулиятини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш ва мустаҳкамланишга бўлган манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида:

- айланмадан олинадиган солиқ ва давлат активларини ижарага беришдан тушумлар бўйикличча туманлар ва шахарлар маҳаллий бюджетларига ўтказилаётгансини;

- мобил алоқа хизматлари ва алкоголь махсулотлари шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишлича 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра шахар аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ шахар маҳаллий бюджетларига ўтказилаётганлиги;

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда шахар маҳаллий бюджетлари ўртасида 75/25 нисбатда тақсимланишини маълумот учун қабул қилинсин.

Шунингдек, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шахар маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2021 йил учун шахар ҳокимлигининг захира жамғармаси ҳажмлари **410.7 млн. сўм** этиб белгилансин.

Шахар ҳокимлигининг Захира жамғармаси маблағларини шахар бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилишини зарур бўлган тадбирларини молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. Шахар бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги карорлар тегишли равишда халк депутатлари Хонобод шахар Кенгаши томонидан шахар ҳокимлигининг таклифига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Шахар ҳокимлиги шахар бюджети қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилаётган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

11. Шахар хокимлиги чоралар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари хокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят хокимлигига харажатларни макбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни макбуллаштириш таклифларини киритади.

12. Шахар хокимлиги ташаббуси билан амалга оширилаётган тадбирлар учун талаб этилаётган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу махаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба хисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Шахарнинг махаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалар хисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш таъмирлаш ишларининг молиялаштирилишини тўғрисидаги маълумотлар хар чорак якунига кўра, кейинги чорак бир

ойнинг 10 санасига қадар тегишли хокимликларнинг расмий веб сайтларига мажбурий тартибда жойлаштириб борилсин.

14. Шахар хокимлиги:

тегишли бюджетни биринчи навбатда иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

15. Вазирлик ҳузуридаги шунингдек, вилоят ташкилоти, шахар ва туманларидаги ўрганиш бўйича тузилган йўл харитлари ҳамда йиғилиш баённомалари билан махаллий бюджетларнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

16. Шахар хокимлиги бюджет даромадлари ва харажатлари кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни устидан қатъий назоратни ўрнатишни учун Кенгашга маълумот киритсин.

17. Шахар хокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Хонобод шахар Кенгашининг Махаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда шахар хокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **М.Тажибаев**

11 декабрь 20

Халқ депутатлари
Хонобод шаҳар Кенгашининг
2020 йил 18 декабрдаги
6/1183-сонли қарорига 2-илова

Хонобод шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2021 йилги асосий харажат кўрсаткичлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

минг сўмда

Т/р	Кўрсаткичлар	Хонобод шаҳар
1	Мактабгача таълим бўлими	2,839,274.0
2	Халқ таълими бўлими	2,315,297.0
3	Тиббиет бирлашмаси	16,299,639.0
4	Маданият бўлими	2,007,288.0
5	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	1,453,465.0
6	Бандликка кўмаклашиш маркази	483,302.0
7	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	280,180.0
8	Ирригация бўлими	0.0
9	Қишлоқ хўжалиги бўлими	0.0
10	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	0.0
11	Ободонлаштириш бошқармаси	6,054,023.0
12	Молия бўлими	5,668,424.0
13	Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлими	339,643.0
14	Ҳокимият	3,208,974.0
15	Халқ депутатлари Кенгаши котибияти	83,741.0
16	Маҳалла ва оилани қуллаб-қувватлаш бўлими	450,950.0
Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар		**24,650,590.0**
Жами		***100%***

Халқ депутатлари
Хонобод шаҳар Кенгашининг
2020 йил «22» 12 даги
64/18-6 сонли қарорига
1-илова

Хонобод шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/р	Кўрсаткичлар	Хонобод шаҳар
	Даромадлар	**13,323,500.0**
	жамидаги улуши	***100.0%***
	аҳоли сони билан мутаносиблиги	***311,296.7***
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0.0
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	1,437,000.0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	8,255,500.0
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	331,000.0
5	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	0.0
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0.0
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1,415,000.0
8	Юридик шахслар ер солиғи	0.0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1,429,000.0
10	Норуда курилиш материаллари бўйича ер каридан фойданилганлик учун солик	0.0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	450,000.0
12	Давлат божи	0.0
13	Жарималар	0.0
14	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	0.0
15	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	6,000.0
16	Йиғимлар	0.0
	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	**3,510,110.0**
1	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	2,279,290.0
2	Мобиль алоқа хизмати	1,230,820.0
	Аҳоли сони (01.07.2020) мингда	*42.8*